

ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РОЛИ

Носиров Жалолиддин Салоҳиддин Ўғли

Осиё Халқаро Униве
рситети магистранти

Аннотация: Мақолада жаҳон савдоси таркибида хизматларнинг улуши, уларнинг классификацияси, халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан хизматлар савдосининг тартибланиш механизми ва бугунги кундаги кўрсаткичлари таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар: жаҳон савдоси, хизматлар савдоси, Жаҳон савдо ташкилоти, ГАТС, хизматлар классификацияси

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы мировой торговли, торговли услугами, также изучены факторы классификации сервисных услуг и роль международных организаций в упорядочении мировой торговли услугами.

Ключевые слова: Мировая торговля, торговля услугами, Всемирная Торговая организация, ГАТС, классификация услуг

Халқаро савдо мамлакатлар хўжалик субъектлари ўртасида фақат тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо бўлибина қолмасдан, шу билан бирга хизматлар ҳаракатини ҳам ўз таркибига қамраб олади. Хизматлар алоҳида товар тури бўлибина қолмасдан, моддий неъматлар савдоси жараёнини амалга ошириш воситаси ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш жараёнини таркибий жиҳатдан таҳлил этиш, ютуқлари ва муаммоларини аниқлаш, муаммоларни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш зарурати туғилади. Бу жараён мураккаб бўлиб, хорижий инвестицияларни жалб қилишни ҳам ўз ичига олади ва халқаро молиявий ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 2018-2022 йиллардаги ўзгариш кўрсаткичлари билан танишиб чиқадиган бўлсак,

2022 йил якунида ўтган йилга нисбатан 30% га ўсиш бўлганини кўриш мумкин. Умуман хизматлар таркибида савдо хизмати, молиявий хизматлар ва транспорт хизматларининг улуши йирик ҳисобланади. (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйичв кўрсатилган хизматлар ҳажми ўзгариши
(млрд сўм ҳисобида)

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME6 ISSUE-7 (30-July)

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
Хизматлар – жами	150 889,8	193 697,8	219 978,5	284 388,1	366 891,0
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	10 332,6	10 891,7	13 852,3	17 755,1	24 508,1
молия хизматлари	21 296,3	34 036,6	45 783,0	59 733,3	80 849,1
транспорт хизматлари	44 159,4	54 473,5	53 662,9	67 238,6	83 985,6
шу жумладан: автотраспорт хизмати	21 786,8	25 527,5	28 474,1	36 249,3	41 726,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4 673,3	5 933,6	5 431,7	8 375,4	13 115,6
савдо хизматлари	39 743,4	48 748,2	57 572,7	72 483,2	89 816,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	4 949,2	5 950,7	6 016,9	8 081,1	9 581,7
таълим соҳасидаги хизматлар	5 416,5	7 164,9	8 539,4	12 102,6	15 858,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	2 220,0	3 104,3	3 386,7	5 105,9	6 613,1
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	3 297,4	3 733,5	4 149,0	5 351,0	6 471,7
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюнлари ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2 630,7	3 200,1	3 347,8	4 680,5	5 707,3
шахсий хизматлар	3 700,6	4 575,6	5 032,2	6 764,1	8 670,8
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳдил соҳасидаги хизматлар	2 953,6	4 543,1	4 907,5	6 306,8	7 284,2
бошқа хизматлар	5 516,8	7 342,0	8 296,4	10 410,5	14 429,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотномаси.(stat.uz сайти)

ГАТС – Хизматлар савдоси бўйича Генерал Келишувга мувофиқ, сервис хизмати- бу тижорат мақсадига асосланувчи ҳар қандай хизматдир. Хизматлар иқтисодиёт таркибида саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалигидан сўнг “учинчи сектор” сифатида кўриб чиқилсада, унинг ҳиссасига жаҳон Ялпи ички маҳсулотининг 2/3 қисми тўғри келади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида эса хизматлар улуши ЯИМнинг 2/3 - 3/4 улуши тўғри келади.

Хизматлар турлари қўплиги сабабли улар турлича классификацияланади ҳам.

Турли ҳалқаро ташкилотлар ўз фаолияти доирасида уларни таснифлашда бир неча омилларни инобатга олишади. Жумладан, БМТ тафсилотига кўра, хизматлар таркибига қўйидагилар киритилади:

- Коммунал хизматлар ва қурилиш;
- Улгуржи ва чакана савдо;
- Ташиб, сақлаш ва алоқа, молиявий воситачилик;
- Мудофаа ва мажбурий ижтимоий хизматлар;
- Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаолият;
- Бошқа коммунал, ижтимоий ва шахсий хизматлар.

Ҳалқаро Валюта Фонди эса мамлакатлар тўлов балансини тузишда қўйидаги таркибда хизматларнинг турларини фарқлантиради:

- Транспорт;

- Саёҳат;
- Алоқа;
- Қурилиш;
- Суғурта;
- Молиявий хизматлар;
- Компьютер ва ахборот хизматлари;
- Рояльти ва лицензион тўловлар;
- Бошқа бизнес-хизматлар: воситачилик, лизинг, ишбилармонлик фаолияти учун мўлжалланган ҳуқуқий, бухгалтерия, аудит, бошқарув, реклама хизматлари;
- Шахсий, маданий ва рекреацион, яъни соғломлаштириш хизматлари;
- Ҳукумат хизматлари.

Шу билан бирга, Жаҳон Савдо Ташкилоти 12 секторга бўлинган 160 турдаги хизматларни ажратиб кўрсатади. Халқаро хизматлар савдоси ўзаро боғлиқ бўлган бир неча гуруҳларга ажратилади:

- ✓ Инвестициялар билан боғлиқ - банк хизматлари, меҳмонхона, туристик ва касбий хизматлар;
- ✓ Савдо билан боғлиқ -транспорт ва суғурта хизматлари;
- ✓ Бир вақтнинг ўзида ҳам инвестициялар билан, ҳам савдо билан боғлиқ – алоқа, қурилиш, компьютер ва ахборот хизматлари, шахсий, маданий ва рекреацион, бизнес-реклама, ижара хизматлари.

Маълум масштабларга кўра, халқаро хизматлар савдоси товарлар халқаро савдосига нисбатан орқада қолмоқда. Жаҳон Савдо Ташкилоти бош директори Нгози Оконджо-Ивеала берган маълумотларига кўра, 2022 йил кўрсаткичларига эътибор қаратсак, жаҳон товарлар ва хизматлар савдоси 31,4 трлн АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 12%га ошганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Шундан 6,4 трлн АҚШ доллари – хизматлар савдосига тўғри келиб, ўтган йилга нисбатан 15%лик ўсиш кузатилган. Жумладан, транспорт хизматлари 24%га, товарларга хизмат кўрсатиш миқдори 6%га ошган.²

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосида хизматлар улушкини ошириш учун қуйидаги масалаларга албатта эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш зарур.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини стандартлаштиришга эришиш керак.
- Турли ривожланган индустрiali мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асносида миллий иқтисодиёт имкониятларини тўғри баҳолаш ва хорижий инвестицияларни айнан хизматлар соҳасига жалб этиш учун имтиёзлар тизимини оптималлаштириш зарур.

² https://unctad.org/system/files/official-document/tdr2022_ru.pdf

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. В.Е. Рыбалкин и др. Международные экономические отношения. Учебник. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015-704 с.
2. https://unctad.org/system/files/official-document/tdr2022_ru.pdf. ДОКЛАД О ТОРГОВЛЕ И РАЗВИТИИ, 2022 год, Перспективы развития в мире.